

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*60721300 –Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси  
(пахта)*  
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «17 » 08 даги 3 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил «18 » 08 даги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРӢЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.1.1.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши Малака талабининг кўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.....	5
1.2.1.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятнинг соҳалари.....	5
1.2.2.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	6
1.2.4.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2.	60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг компетенцияларига қўйиладиган талаблар .....	7
2.1.	Умумий компетенциялар.....	8
2.2.	Касбий компетенциялар.....	8
	Библиографик маълумотлар.....	9
	Келишув вараги.....	10

**1. 60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи**

**60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги, кечки ва сиртқи таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

**1.1. Кўлланиш соҳаси**

**1.1.1. 60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.**

Малака талаби **60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

**1.1.2. Малака талабининг асосий фойдаланувчилари:**

-мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўкув режа ва ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

-таълим йўналишининг ўкув режа ва ўкув дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

-бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

-таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

-олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

-олий таълим тизимини аккредитация ва сифатни назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

-кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

-олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

**1.2. 60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг тавсифи.**

**1.2.1. 60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:**

**60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта)** бакалавриат таълим йўналиши-фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, пахта саноати корхоналари хом ашёсини қабул қилиш, ғарамлаш ва сақлаш, дастлабки ишлов бериш, чанг ҳавони тозалаш, пахта саноати

машиналаридан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда уларни таъмирлашнинг самарали жараёнларини таъминлашга йўналтирилган усуллар мажмусини камраб олади.

*Йўналии бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилди технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

-давлат ва нодавлат ташкилот, корхона ва муассасалар, компаниялар (фирмалар), ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқалар; Пахтани қабул қилиш, ғарамлаш ва сақлаш, қуритиш тозалаш, тола ажратиш ва тола тозалаш, чигитни линтерлаш, тола ва момикни тойлаш, толали чиқиндиларни қайта ишлаш, уруғлик чигит тайёрлаш ва ёрдамчи цех объектларида пахтани дастлабки ишлаш технологиясини ва таркибини танлаш, ишлатиш, назорат қилиш ростлаш ва бошқалар.

Технологик ускуналарни жорий ва капитал таъмирлаш, пахта ва унинг маҳсулотлари сифат кўрсатгичларини аниқлаш ва назорат қилиш, пахта маҳсулотларини сақлаш, ёрдамчи ускуна ва жиҳозларни унумли ишлатиш, пахта маҳсулотларини сақлаш, ишлаб чиқаришда хисоб китоб, иш юритиш хужжатларини аниқ ва сифатли олиб бориш, иқтисодий таҳлил қилиш, уста, технолог, ишлаб чиқариш механизми ва бошқалар.

**60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилди технологияси (пахта) бакалавриат таълим йўналиши бўйича битирувчилар педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳукуқига эга бўлади. Бакалавриатнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.**

**1.2.3. 60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилди технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:**

- ташкилий-бошқарув;
- ишлаб чиқарии ва технологик фаолият;
- ахборот-таҳлилий фаолият;
- илмий-тадқиқот фаолияти;
- лойиҳавий-технологик фаолияти.

**1.2.4. 60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилди технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:**

*60721300–Табиий толаларни дастлабки ишилди технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг б-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига*

мувофиқ бакалавриат битирувчиси күйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

**ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва технологик фаолиятида:**

-техник воситалар, асбоб-ускуналар, тизимлар, технологик жараёнлар, табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларини амалиётга татбиқ этиш, ускуналарни эксплуатация қилиш, машиналарни лойиҳалаш ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишда зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

-республика ва хорижда чоп этилган тўқимачилик ва енгил саноати технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

-илмий-тадқиқот ишларини бажаришни ташкил этиш;

-мавзу (топшириқ) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йигиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

-илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишда қатнашиш;

-намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;

-бўғин, цех, бўлимларда технолог бўлиб ишлаш, амалдаги ишлаб чиқариш корхоналарини эксплуатация қилиш;

-хомашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;

-ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;

-намунавий технологик жараёнларни қўллаш;

-технологик схемаларни таҳлил қилиш ва технологик параметрларни хисоблаш;

-амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишлашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;

-амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

-атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

-касбий этика кодексига риоя қилиш.

**Ахборот-таҳлилий фаолиятида:**

-бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

-қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;

-ташкилотнинг ички ҳужжат айланиш тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятини турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;

- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-тахлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

-илмий тадқиқот институтлари ва марказларида тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;

-хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фантехника ютуқлари, маҳсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;

-техник воситалар, асбоб-ускуналар, тизимлар, технологик жараёнлар, табиий толаларни дастлабки ишлаш техника ва технологияларини, ускуналарни экспулатация қилиш, машиналарни лойиҳалаш ва автоматлаштирилган линияларни синовдан ўтказишида зарур бўлган ташкилий ишларда иштирок этиш;

-республика ва хорижда чоп этилган тўқимачилик ва енгил саноати технологияларига оид илмий-техник ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;

-илмий-тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;

-интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

-мавзу (топширик) бўйича илмий-техникавий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;

-илмий-тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишида қатнашиш.

### **Лойиҳавий-технологик фаолиятида:**

-хомашё ва маҳсулотларнинг тузилиши, физик-механик хоссалари, маҳсулотларнинг техник-эксплуатацион кўрсаткичлари, моддий баланс, ишлаб чиқариш тартиблари ва меъёрлари, ишлаб чиқаришнинг асосий (технологик) ва ёрдамчи жараёнлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши, технологик регламент асосида ишлаб чиқариш жараёнларини танлаш, хомашёларга ишлов бериш ва маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳасини тузишини амалга ошира олиши;

-намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш қобилиятига эга бўлиши;

-автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;

-лойиҳавий ва дастурий хужжатларни ишлаб чиқиш;

-амалиётда ахборот технологияларнинг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда қўллаш.

## *2. 60721300-Табиий толаларни дастлабки ишилаш технологияси (пахта) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг компетенцияларига қўйиладиган талаблар*

### **2.1.Умумий компенетциялар:**

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига хос хужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йигиш, сақлаш, қайта ишилаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишилаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тассаввурга эга бўлиш.

### **2.2.Касбий компетенциялар:**

- меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни излаш ва улардан касбий фаолиятида фойдаланиш кўнимкамларига эга бўлиш;
- намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш;
- участка, цех, бўлим технологи бўлиб ишилаш, амалдаги ишлаб чиқариш цехини эксплуатация қилиш;
- технологик ускуналарни жорий ва капитал таъмирлаш, пахта ва унинг маҳсулотлари сифат кўрсатгичларини аниқлаш ва назорат этиш, пахта маҳсулотларини сақлаш, ёрдамчи ускуна ва жиҳозларни унумли ишлатиш.
- хом ашё, ёрдамчи материаллар ва маҳсулотларнинг сифатини назорат қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- намунавий технологик жараёнларни қўллаш;
- амалдаги технологик асбоб-ускуналарнинг ишилашини таъминлаш, уларни яроқли ҳолатда ушлаб туриш ва қайта тиклаш;
- амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;
- тизимли ёндошув механизмларини татбиқ этиш;
- дастурий таъминот, ахборот-коммуникация технологияси ва инженерияси;

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг самарали шаклларини татбиқ этиш;
- компьютер технологиялари ва дастурлардан самарали фойдаланиш;
- мехнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- корхонада махсулот сифатини яхшилаш чораларини кўриш.

## **Библиографик маълумотлар**

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, таълим йўналиши,kasbий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриатнинг асосий ўқув режа ва ўқув дастурлари, профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, тармоқлар ва соҳалар, малака талаблари, бакалавриатнинг ўқув жараёни, пахта, уруғлик чигит, технологик жараён, намлик, ифлослик, нав, тип, қуритиш жараёни, лойиҳалаш, уруғлик чигит, саралаш, туксизлантириш, дорилаш, таъмирлаш, созлаш, жинлаш, линтерлаш, тизимли ёндошув, дастурий таъминот, мустақил таълим, ишлаб чиқариш, ташкилий-бошқарув фаолияти, малака амалиёти, битирув малакавий иши, давлат аттестацияси, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, бошқарув жараёни, ишлаб чиқаришш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни.

## КЕЛИШУВ ВАРАГИ

### ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти



Ректор И.Сабиров

2021 йил « 02 » 08

М.Ү.

### КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б. М.Эсанов

2021 йил « 03 » 08

М.Ү.

“Пахта саноати илмий маркази”  
АЖ

Директорнинг илмий ишлар ва инновациялар бўйича биринчи ўринбосари


К.Жуманиязов

2021 йил « 03 » 08

М.Ү.

Наманган муҳандислик-технология институти,

Ректор О.Маматкаримов



2021 йил « 03 » 08

М.У.

“TCT Agro Cluster” МЧЖ директори

М.Нўмонов

2021 йил « 04 » 08

